10598

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

таваллудингизнинг 60 йиллиги муносабати билан йўллаётган самимий табригимни қабул этгайсиз. Сизга чин қалбдан мустаҳкам саломатлик, улкан бахт ва фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Сизнинг раҳбарлигингизда изчиллик билан ўтказилаётган ислоҳотлар бундан кейин ҳам Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқаро майдонда унинг обрўсини янада кўтаришга ва ўзбек халқининг фаровонлигини оширишга хизмат қилишига ишончим комил.

Молдова диёридаги сўнгги учрашувимизни алоҳида самимият билан эслайман. Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари Молдова ва Ўзбекистон халқларининг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам мустаҳкамланаверади ва ривожланаверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга, оила-аъзоларингиз ва барча яқинларингизга чин қалбдан узоқ умр, тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан,

Петру ЛУЧИНСКИ,
Молдова Республикаси Президенти.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари, қадрли Ислом ака,

бизга, АҚШ, Исроил, Австрия ва бошқа Ғарб мамлакатларида яшаётган Бухоро яҳудийлари кўп минг кишилик жамоасининг вакилларига, шонли сана — таваллудингизнинг 60 йиллиги муносабати билан Сизга ватандошларингиз номидан табрик йўллаш алоҳида мамнуният бахш этади.

Бизнинг кўпчилигимиз Ўзбекистонда туғилиб ўсганмиз. Шу сабабли Ўзбекистон биз учун қадрли. Меҳнатсевар, олижаноб ва танти ўзбек халқига чуқур ҳурмат туйғуси қалбларимиздан жой олган ва бундан кейин ҳам сақланиб қолаверади. Ўзбекистон биз учун, болаларимиз ва невараларимиз учун ҳамиша иккинчи ватан бўлиб қолади. Биз бу мамлакат билан ҳеч қачон алоқамизни узмаймиз. Шунинг учун ҳам биз Сизнинг мустақил Ўзбекистон раҳбари лавозимида мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий фаровонлигини оширишга ва миллий тинч-тотувликка қаратилган фаолиятингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Ислом ака, Сиз буюк инсонсиз. Сиз ўтказаётган сиёсат фақат минтақада эмас, балки бутун дунёда эътироф этилди ва обрў қозонди. Ўзбекистон Республикасининг Сизнинг раҳбарлигингизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан буён эришган ютуқлари маълум ва машҳурдир. Бундан биз, Ўзбекистон фарзандлари ҳам алоҳида фахрланамиз.

Яқин Шаркда яҳудийлар ва арабларнинг манфаатларига бирдек мос келадиган адолатли тинчлик ва аҳилликка эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлаш истаги қалбимизга жо бўлган.

Биз Ўзбекистоннинг тараққиёти ва равнақига баҳоли қудрат ҳисса қўшишни, ҳозир ўзимиз яшаётган мамлакатларда серқуёш ўлкамизнинг вакили бўлишни хоҳлаймиз.

Оллоҳ умрингизни узоқ қилсин, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат ато этаверсин.

Халқингиз фаровонлиги йўлидаги олижаноб фаолиятингизга Яратган эгамизнинг ўзи барака бераверсин.

Камоли эҳтиром билан,

Ханан БЕНЖАМИНИ,
Нью-Йорк.
Борис КАНДОВ,
Вена.
Бухоро яҳудийлари жамияти маркази,
Нью-Йорк.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 5 февраль, пайшанба • № 15 (22.252).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

КОСМОНАВТ СОЛИЖОН ШАРИПОВГА

Қадрли Солижон!

Америкалик астронавт касбдошларингиз билан «Шаттл-Эндевер» космик кемасида парвоз қилиб, соғ-саломат қайтганингиз ҳақида менга йўллаган мактубингизни ўқиб, беҳад мамнун бўлдим.

Сизнинг само бағрига қилган парвозингиз миллатимиз ғурурига ғурур, фахрига фахр қўшди. Ўзбек номини бутун жаҳонга яна бир бор тараннум этиб, улуғлади. Космик парвозга ўзингиз билан Ўзбекистон байроғини олиб чиққанлигингиз эса чинакам маънода миллатга муҳаббат намунасидир. Жасоратингиз исми шарифингизни дунёга довруг таратган аждодларимизнинг номлари билан бир қаторга қўяди, десам муболаға бўлмайди.

Бугун мен сиз каби мард йигитни улғайтирган ота-онангизга чин кўнгилдан раҳмат, дейман. Оддий бир ўзбек хонадонида сиздай фазогир ўғлон вояга етганлигининг ўзи оила нақадар муқаддас эканлигидан далолат. Сизга таълим-тарбия берган, фазогирлик касб маҳоратига, шу жумладан Россия космонавтика мактабига йўл очиб берган мураббийларингиз ва космонавт касбдошларингизга алоҳида миннатдорлик изҳор этаман.

Шунингдек, сиз билан бирга коинотга парвоз қилган америкалик жасур астронавтларга бутун ўзбек халқи, шахсан ўз номимдан ташаккур билдираман.

Азиз Солижон!

Ишончим комилки, коинотга илк сафарингиз келгуси ҳаётингиздаги ютуқларга пиллапоя, Ўзбекистонда ташкил этилган халқаро аэрокосмик мактаб ўқувчилари, бутун юртимиз ёшлари учун юксак ибрат бўлиб хизмат қилади.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Бундан олти аср муқаддам улуғ аждодимиз Амир Темур шажарасида юлдуздек порлаган Мирзо Улуғбек само бағрига ёруғ нигоҳ ташлаган эди. Сизга эса юлдузлар билан ёнма-ён учиш насиб этди. Бинобарин, йигирма биринчи аср остонасида сиз кўрсатган қаҳрамонлик давлатимизнинг юксак мукофоти — «Амир Темур» орденига муносибдир. Улуғ бобомизнинг табаррук руҳи сизни доимо қўлласин!

Сизни тарихий парвозингиз билан яна бир бор муборакбод этаман! Мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт-саодат, фазогирлик фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ФАХР



Олис тарихларнинг силсиласида
Ўзбек қудратини, шонини туйдим.
Озодлик нафаси кезган Ватаннинг
Ҳар қарич тупроғу хасини суйдим.

Дунёга дунёча бўйлайман энди,
Орзу-умидимга адолат тиргак.
Бахтиёр юртимнинг саҳарларида
Қуёшни уйғотиб кулади юрак.

Пайғамбар назари тушган Ватан-бу,
Ўтган боболарнинг руҳи улуғвор,
Бугун қозонажак ҳар бир шуҳратда
Балки уларнинг-да умидлари бор.

Кўнгилда енгилмас бир руҳ уйғотар.
Ўзбек фарзандининг буюк парвози,
Балки бу юлдузлар кўзида қолган
Доно Улуғбекнинг нурли овози.

Осмонда осмондай кетган диллар бор,
Бағрида қалқийди ҳануз ёшлари.
Ўзбек кўкрагига тегмас ҳеч қачон
Ғанимнинг ҳасаддан отган тошлари.

Чунки бу миллатга қалқон адолат,
Ботир ўғлонлари фазо кўзлайди.
Қаерда бўлмасин ўзбек барибир
Қонида ўзбекча ғурур сўзлайди.

Дилмурод ҚОСИМ.

ВАТАН ХАРИТАСИ

3 февраль куни юртбошимиз Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг Архиепископи Владимирни қабул қилди.

Архиепископ Владимир давлатимиз раҳбари тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги улкан ютуқлари ҳамда 60 йиллик юбилейи муносабати билан Рус православ черковининг биринчи даражали «Москвалик тақводор князь Даниил» орденига сазовор бўлганини маълум қилди ва орденни мамлакатимиз раҳбарига топширди.

***

Маълумингизким, Президент Ислом Каримов таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан юртимиз ва дунёнинг ҳар бурчидан самимий табриклар келиб турибди. Куни кеча Президент таваллуд юбилейи муносабати билан юксак ҳурмат ва иззат кўрсатиб, узоқ-яқиндан табрик, хат ва мактуб йўллаган давлат раҳбарлари, жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар, маҳаллалар ва жамоалар, барча юртдошлар ҳамда ватандошларга ўзининг самимий миннатдорлигини билдирди.

***

Мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШнинг «Кейс» корпорацияси директорлар кенгаши раиси Жан-Пьер Россо раҳбарлигидаги делегация аъзолари Бош вазир Ў. Султонов билан учрашиб, «Кейс» тракторларининг айрим бутловчи қисмларини Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқариш, «Кейс» техникасига хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этиш ҳамда трансмиссияга доир қатор таклифлар муҳокама этилди.

Делегация аъзолари «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компаниясида ҳам бўлишди.

***

Олий Мажлис Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитасининг йиғилишида «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун ва Олий Мажлиснинг «Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарорининг Бухоро вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 3 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ доллари 81 сўм 67 тийин қилиб белгилади.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Японияда компьютернинг бузилиб қолганлиги сабабли Токио ва унинг атрофидаги йўналишлар бўйича қатновчи икки юздан зиёд поезд йўлга чиқолмай қолди.

* * *

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр кеча расмий ташриф билан АҚШга келди. Музокараларнинг асосий мавзуси Ироқ тевараги-даги воқеаларга бағишланди.

* * *

Америкаликларнинг асосий қисми ўз ҳукуматининг Ироқ муаммосини куч ишлатиш йўли билан ҳал этиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватламоқдалар. Жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровларга биноан аҳолининг 71 фоизи Ироққа қарши куч ишлатиш тарафдори эканлиги маълум бўлди. Улар Саддам Хусайн ҳукуматининг оммавий қирғин қуроллари қаттиқ назоратда бўлиши керак, дейишмоқда. Аҳолининг 22 фоизи муаммонинг бундай ечимини қўллаб-қувватлашмади. Уларнинг фикрича, Ироқ тевараги-даги жанжаллар АҚШ Президентининг шахсий саргузаштларидан одамларни чалғитмоқда. Сўровга жавоб берганларнинг 7 фоизи бу ҳақда ҳеч қандай фикрга эга эмасликларини билдиришди.

* * *

Германия ташқи ишлар вазири Клаус Кинкель Эрон ҳукуматига шахсан мурожаат қилиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган немис бизнесмени Гельмут Хоферни авф этишни сўради. Кинкель Эрон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини бағри кенгликка чақирди. 54 ёшли Хофер яқинда ислом суди томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Чунки у мусулмон аёли билан дон олишган экан. Эрон қонунчилигига биноан бошқа миллат вакилларининг мусулмон аёли билан яқин мулоқотда бўлиши таъқиқланади ва ўлим жазосига ҳукм қилинади. Турган гапки, бундан ривожланган Германия даҳшатга тушмоқда. Ушбу фожианинг олдини олиш учун барча дипломатлар ишга солинаётир. Айрим экспертларнинг ҳисоблашича Хоферда омон қолиш учун фақат биттагина имконият бор. У ҳам бўлса ўша аёлга уйланиш.

РЎЙХАТГА ОЛИНДИЛАР

ХДП хабари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси томонидан, бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш юзасидан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши тақдим этган ҳужжатлар кўриб чиқилди ва 1998 йил 30 январь куни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11, 24 ва 45-моддаларига мувофиқ:

«Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акционерлик жамиятининг Бош директори **Вадим Петрович Кучеров** 17-Самолётсозлар сайлов округидан;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг бош консультанти **Зохилло Иномхўжаевич Мунавваров** 99-Чортоқ сайлов округидан;

Махсус ихтисослаштирилган «Мирзачўлқурилиш» бирлашмасининг бошлиғи **Умаркул Аҳмедов** 135-Сардоба сайлов округидан;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси **Дилбар Набиевна Жиҳонгирова** 170-Қизғалдоқ сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб, руйхатга олиндилар.

Газетанинг иккинчи бетида мазкур номзодлар билан танишишингиз мумкин.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҲИСОБ-КИТОБ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРГА ТЎЛОВЛАР ТУШИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, пенсияларни, нафақаларни, стипендияларни, бюджет маблағидан пул билан таъминланадиган корхоналар ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақини ўз вақтида тўлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституцион судининг «Корхоналар ҳисоб рақамидан пул маблағларини чиқариш навбатини тартибга соладиган қонунчиликни такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 16 январдаги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 1998 йил 20 январдаги 568-1 сонли қарорига мувофиқ:

1. 1998 йил 1 февралдан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамидан пуб маблағларини чиқаришнинг қуйидаги тартиби белгилансин.

Ҳисоб рақамида унга қўйиладиган барча талабларни қондириш учун етарли миқдорда пул маблағи бўлса, бу маблағ мижознинг фармойиши ва бошқа ҳужжатларнинг тушиши тартибига қайси бири олдин тушганига қараб ҳисобдан чиқарилади.

Ҳисоб рақамидаги пул маблағи унга қўйиладиган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаса, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги ҳисоб рақамларидан пул маблағи биринчи навбатда бюджетга, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловларни ҳамда иш ҳақини тўлашга пул маблағи беришни кўзда тутган тўлов (ижро) ҳужжатларига мутаносиб равишда хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга тўловлар ҳамда меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар бўйича мажбуриятларини баравар таъминлайдиган даражада ҳисобдан чиқарилади.

Марказий банк ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафталик муддатда хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги ҳисоб рақамидан пул маблағини чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

2. Давлат бошқарув органлари мансабдор шахсларининг молия, солиқ, божхона ва банк муассасалари ишига хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини ҳисобдан чиқаришда белгиланган тартибни бузишга олиб келадиган аралашуви тақиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу Фармоннинг 1-бандида келтирилган маблағни ҳисобдан чиқариш тартибини бузишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ қаттиқ маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кўрилади.

3. Тўловларнинг давлат бюджети даромадларига ўз вақтида ўтказилиши ва бюджетнинг даромад қисми бўйича операцияларнинг бажарилиши, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги ҳисоб рақамларидан маблағни чиқаришнинг белгиланган тартибига риоя этилиши учун шахсий жавобгарлик тижорат банклари муассасалари ва Марказий банк бош бошқармалари ҳисоб-китоб — касса марказлари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари зиммасига юклансин.

4. Даромад маблағларидан солиқлар ва бошқа тўловларнинг тушиши ва қарзларнинг камайиши бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши учун солиқ, молия ва банк органлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг моддий жавобгарлиги тизими жорий этилсин.

Бюджетга тўловларнинг тушиши ҳамда бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг камайтирилишига доир белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

Солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясига зарур бўлган тақдирда унга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Солиқ ва тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссияси йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай бюджетга тааллуқли барча тўловлар ва солиқлар тўла тушишига доир ишларнинг аҳволини, ҳудудлар бўйича қарзларнинг камайтирилишини кўриб чиқиб, солиқ, молия ва банк органлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги таклифларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси корхоналар ва ташкилотларнинг бюджетга тўловлар бўйича 1998 йил 1 январгача қолган қарзлар тузилмасини ўзгартиришга доир таклифларни бир ой муддатда солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясига тақдим этсин.

7. Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

Идораларнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномаларини ушбу Фармон талабларига мувофиқлаштирсин;

амалдаги қонунларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритишга доир таклифларни тайёрласин ва тақдим этсин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 4 февраль.

ГАЗЕТА ЎҚИМАГАН РАҲБАР

Қашқадарё вилоятида 343460 оила бор. (Икки миллиондан ортиқ аҳоли яшайди). Энди бир таққосласак: вилоят бўйича жорий йил учун республика ва маҳаллий матбуот нашрларига (ташкилот, корхона ҳисобидан, якка тартибда) обуна сони бор-йўғи 40141 тани ташкил этди. Бу аҳоли сонига нисбатан камлик қилмасмикин?! Тўғри, бундай солиштириш аксарият ҳолларда халқ истеъмоли молларига нисбатан қўлланади. Аммо фақат қорин тўйғазиш ё чиройли кийиниш билан яшаб бўлмайди-ку. Гап фақат обунада ҳам эмас. Масаланинг маънавий-маърифий томонлари ҳам бор-да.

Энг ачинарлиси, баъзи бир раҳбарлар билан вақтли матбуот нашрлари хусусида суҳбатлашсангиз энсангиз қотади.

Баъзи газеталарга обуна сони атиги 5 та, 2 та ҳатто айтишга уяласан, биттани ташкил этган жойлар ҳам бор?! Мубарак, Деҳқонобод, Қамаши, Ғузор, Баҳористон, Усмон Юсупов, Қарши туманларида шундай бўлгач, вилоятдаги умумий аҳволни кўз олдингизга келтиравeринг.

Тўғри, бугунги кунда газеталаримизнинг нархи баланддек. Бироқ гап унинг нархида эмас, жойларда сусткашликка йўл қўйилганлигида. Улар Қарши ёғ-экстракция ҳиссадорлик жамияти, Қарши нефть бошқармаси, Қарши нефть базаси раҳбарларидан ўрнак олсалар-чи! Мисол учун: Қарши нефть базасининг ҳар бир ишчиси «Мулоқот» журналига, Қарши ёғ-экстракция ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчиларининг учдан икки қисми «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишди.

— Ўнлаб, газета ва журналларга обуна бўлдик, — дейди Касби туман савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раиси Аҳмад Холмуродов. — Ахир бу фикр доирамизни кенгайтиради, янгича фаолиятга ундайди. Дарҳақиқат, ҳар бир кунимиз янгиликлар билан тўла. Сезгир раҳбар уларни ўқиб «ҳазм» қилиши керак. Янгиликларни ҳазм қилиш нима дегани? Бу — янгича ишлаш, демакдир. Янгича ишлай билмаган раҳбар эса...

Ҳа, айтгандек, яна бир нарса. Қашқадарёда хизмат юзасидан бирор идорага кириб қолсангиз ҳали ҳам «Ҳокимликдан рухсатнома борми?» сингари ножоиз савол берадиганлар учраб турибди.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Алқисса, ушандай «зот»лар Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуни билан танишсалар фойдадан ҳоли бўлмасди! Бунинг учун эса раҳбар газеталарни кузатиб бориши керак.

Илҳом КАРОМОВ.

Бизнинг номзодлар

ВАДИМ ПЕТРОВИЧ КУЧЕРОВ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

Вадим Петрович Кучеров 1941 йилнинг 7 сентябрида Свердловск вилояти Арамил қишлоғида туғилган. Рус. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. 1966 йилда Куйбишев авиация институтини тамомлаган. Мутахассислиги — авиадвигателлар бўйича муҳандис-механик.

1966 йилдан бошлаб Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида моторчи, мастер, цех бошлиғининг ўринбосари, цех бошлиғи, ишлаб чиқариш бошлиғи, бош директорнинг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари, бош муҳандис вазифаларида ишлаган. 1996 йилнинг март ойидан буён «В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акционерлик жамиятининг бош директори бўлиб меҳнат қилмоқда.

В. П. Кучеров Антонов номидаги конструкторлик бюроси самолётлари ҳамда Илюшин номидаги конструкторлик бюросининг Ил-76 ва Ил-114 самолётларининг барча турларини ишлаб чиқаришда фаол қатнашиб келди.

В. П. Кучеров республика самолётсозлик саноатида юқори малакали мутахассис, тажрибали раҳбар сифатида танилди. Ҳозирги вақтда бирлашма мустақил Ўзбекистоннинг энг йирик корхоналаридан бири — Давлат акционерлик жамиятига айлантирилган.

В. П. Кучеров Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ислоҳотларни амалга ошириш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда.

В. П. Кучеров, бош директор сифатида, бирлашма жамоасининг ижтимоий дастурини рўёбга чиқаришда жонбозлик кўрсатмоқда. Корхона раҳбарияти томонидан болалар шифохонаси ва соғломлаштириш муассасалари, пансионатлар, санаторий-профилакторийларни ташкил этиш, медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун талайгина маблағлар ажратилмоқда, ёш авлодни замон талабларига яраша тайёрлаш мақсадида техника лицейи, авиация коллежи ва авиация институтига доимий ёрдам берилмоқда.

В. П. Кучеров «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

Вадим Петрович Кучеров 17-Самолётсозлар сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

ЗОХИЛЛО ИНОМХЎЖАЕВИЧ МУНАВВАРОВ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

Зохилло Иномхўжаевич Мунавваров 1953 йилнинг 21 мартида Наманган вилоятининг Чуст туманида туғилган. Ўзбек. Партиясиз. 1976 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги — тарихчи-шарқшунос. Сиёсий фанлар доктори.

З. И. Мунавваров меҳнат фаолиятини 1976 йилдан Тошкент давлат тиббиёт институтининг катта услубчиси вазифасидан бошлаган. 1978—1980 йилларда ҳарбий хизматда бўлган.

Ўтган йиллар давомида Тошкент Давлат университети хорижий Шарқ мамлакатлари тарихи кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифасини бажарувчи, Тошкент Давлат шарқшунослик институтида катта илмий ходим, доцент, илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида хизмат қилган. 1995—1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг етакчи консультанти, 1997 йилдан — бош консультанти лавозимларида ишлаб келмоқда.

З. И. Мунавваров 1974—1975, 1978—1980 йилларда Ироқ Республикаси, 1988—1990 йилларда Яман Араб Республикаси, 1992 йилда Эрон Ислом Республикаси, 1993—1996 йилларда Англия, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон Султонлиги, Қатар, Баҳрайн, Қувайт ва Саудия Арабистони Қироллигида ишлаган ва илмий сафарларда бўлган.

1983 йилда тарих фанлари номзоди, 1997 йилда сиёсий фанлар доктори илмий даражаларини олиш учун диссертация ёқлаган. Араб мамлакатлари ва Марказий Осиё тарихи, иқтисоди, халқаро аҳволи ва маданиятига оид, Ўзбекистон, АҚШ, Буюк Британия, Эрон, Россия ва бошқа давлатларда нашр этилган, қирқдан ортиқ китоб ҳамда илмий мақолалар муаллифи.

Араб, инглиз, рус ва форс тилларини эркин билади.

Зохилло Мунавваров иш жараёнида ўзини юқори малакали мутахассис, етук олим, ишчан ходим, ғайратли ташкилотчи раҳбар сифатида намоён қилиб келмоқда.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Зохилло Иномхўжаевич Мунавваров 99-Чортоқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

УМАРҚУЛ АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

Умарқул Аҳмедов 1949 йилнинг 25 августида Сирдарё вилояти Ховос қўрғонида, деҳқон оиласида туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. 1973 йилда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини тамомлаган. Мутахассислиги — муҳандис-қурувчи.

Умарқул Аҳмедов, ҳарбий хизматни ўтагандан сўнг, меҳнат фаолиятини 1974 йилда, Янгиер шаҳридаги «Мирзачўлқурилиш» бирлашмасининг 111-механизациялашган кўчма жамламасида уста лавозимида ишлашдан бошлади.

Кейинчалик мазкур ташкилотда иш юритувчи, участка бошлиғи, бош муҳандис, «Мирзачўлқурилиш» бирлашмасига қарашли 110-механизациялашган кўчма жамламада бошлиқ, Саноат-фуқаро қурилиши трести бошқарувчиси вазифаларида ишлади. 1996 йилдан буён махсус ихтисослаштирилган «Мирзачўлқурилиш» бирлашмасининг бошлиғи бўлиб меҳнат қилмоқда.

Умарқул Аҳмедовнинг иш фаолияти Мирзачўлни кенг миқёсда комплекс ўзлаштириш даврига тўғри келди. У сув хўжалиги, уй-жой, ижтимоий, маданий-маиший иншоотларни бунёд этишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди ва меҳнатсеварлиги билан кўпминг сонли қурувчилар орасида катта обрў ва ҳурматга сазовор бўлди. Умарқул Аҳмедов бирлашмада қурилиш ишларини тараққий эттириш, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бошқа ҳаётий муаммоларни ҳал этишда ўзининг тадбиркорлиги, ташкилотчилиги билан барчага ўрнакдир.

У жамоат ишларида фаол иштирок этмоқда. 40 дан ортиқ ёш мутахассисларни тарбиялаб вояга етказди.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони билан тақдирланган.

Умарқул Аҳмедов халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг депутати этиб сайланган.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

Умарқул Аҳмедов 135-Сардоба сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

ДИЛБАР НАБИЕВНА ЖИҲОНГИРОВА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган.

Дилбар Набиевна Жиҳонгирова 1946 йилнинг 26 августида Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида хизматчи оиласида туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. 1971 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги — шифокор-жарроҳ.

Д. Н. Жиҳонгирова меҳнат фаолиятини 1964 йилда Янгийўл шаҳридаги болалар боғчасида тарбиячиликдан бошлаган.

Ўтган йиллар давомида Янгийўл шаҳар касалхонасининг шифокори. Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» давлат хўжалиги касалхонасида жарроҳ, акушер-гинеколог, Янгийўл тумани касалхонаси туғруқхонасида шифокор, бўлим мудири, Янгийўл тиббиёт билим юрти директори бўлиб ишлади. Кейинчалик касаба уюшмалари тизими раҳбар лавозимларига кўтарилди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти қўмитасининг раиси, вилоят касаба уюшмалари кенгашининг раиси вазифаларида самарали меҳнат қилиб келди. 1995 йилдан Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлади. 1997 йилнинг октябрь ойида Д. Н. Жиҳонгирова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси этиб сайланди.

Дилбар Жиҳонгирова иш жараёнида ўзини юқори малакали мутахассис, ишбилармон, ташаббускор, ташкилотчи раҳбар сифатида намоён қилиб келмоқда. Барча жабҳаларда масалаларни қатъийлик билан ҳал этади, қўйилган вазифаларни амалга оширишга кишиларни жалб эта олиш қобилиятига эга.

«Меҳнат фахрийси» медали билан мукофотланган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

Дилбар Набиевна Жиҳонгирова 170-Қизғалдоқ сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

ОИЛА МАНФААТЛАРИ

Мустақиллигимиз йилномасига бир назар ташласак, мамлакатимизда тарихан қисқа — 6 йил давомида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳада мазмунан бой ишлар қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Буларнинг барчасининг негизида инсон, мамлакатимиз фуқароларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш ётади.

Инсон манфаатлари йилида махсус давлат дастури яратилиб, шу дастурга асосан ҳар бир вилоят, шаҳар туманларда юзлаб маданий-маиший иншоотлар, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари барпо этилди, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, аҳолининг кам таъминланган қатламини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Мақсад, республикамизнинг мутараққий давлатлар қаторидан урин олишига, тўқ-фаровон турмушни таъминлашга эришишдан иборатдир.

Мамлакатимизда оила масаласига алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас, албатта. Порлоқ эртамиз оилада яратилади.

Оила шундай муқаддас маконки, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи шахс шаклланади, этник маданият, урф-одатларимиз, ахлоқий-маънавий қадриятларимиз сақланади ва ривожлантирилади, жамият тараққиётини белгиловчи иқтисодий ва маданий ҳаёт пойдевори қўйилади ва мустаҳкамланади. Юртбошимиз айтганларидек: «Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган. Ахир оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир».

Демак, мамлакатимизда оила фаровонлигини таъминлаш давлатимизнинг асл мақсадидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда оила манфаатларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза этиш учун шарт-шароит яратиш, унинг маънавий-ахлоқий асосларини умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклигида янада бойитиш, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялашда мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш, оила тарбиясини такомиллаштириш, чуқур билимли, касб малакаси шаклланган маънавий ва жисмоний соғлом авлодни шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқдаки, буларнинг барчаси келажаги буюк давлатимизнинг бебаҳо асосларидир.

Оила йилида ушбу заминларни янада мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, ҳар томонлама муҳофаза этиш

1

мақсадида Президентимизнинг фармойишларига биноан республика комиссияси тузилганлиги ва «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар» Давлат дастурининг яратилиши мамлакатимизни бутун дунёга яна бир бора оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига бўлган эътиборини намойиш этди.

Ушбу дастурда оиланинг ижтимоий, иқтисодий, маданий-маиший манфаатларини шакллантириш ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг педагог, психологик, тиббий, демографик, фалсафий асосларини илмий-назарий ўрганиш ҳамда олга сурилган илмий ғоялар, хулосаларни амалиётга кенг татбиқ этиш ўз аксини топган. Белгиланган чора-тадбирлардан кутиладиган мақсад ҳар томонлама мустаҳкам, муқаддас оилани шакллантиришдан иборатдир. Мазкур дастурда режалаштирилган тадбирларни бажаришда жамиятнинг барча институтлари яъни, мавжуд давлат ва жамоат ташкилотлари бор имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда фаол иштирок этишга масъулдирлар.

Республикамизда оила ҳуқуқи, ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Конституциясининг 64-65-66-моддаларида ўз ифодасини топган бўлиб, оила давлатнинг муҳофазасидадир. У ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан тўла кафолатлангандир. Жумладан, Олий Мажлиснинг X сессиясига биринчи ўқишда киритилган «Оила» кодекси ҳам том маънода оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашнинг ҳуқуқий негизи бўлиб ҳисобланади. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурч ва вазифалари, қон-қариндошлик муносабатларининг ахлоқий-маънавий асослари ҳеч қайси халқнинг Оила қонунларида бунчалик мукаммал ва адолатли ифода этилмаган бўлса керак. Эндиги асосий вазифа оила қуриш, оилавий муносабатларни шакллантириш, оилада тинч-тотувлик, барқарорликни таъминлашнинг назарий ҳуқуқий асосларига амалиётда онгли равишда риоя этишдан иборатдир.

2

Мустақиллик туфайли давлатимиз оналик ва бола-

ГУРУНГ.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

«СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

Қўрғонтепа тумани прокуратураси ташкил этган «Сиз қонунни биласизми?» баҳси республика мактаб ўқувчиларининг телевизион ўйинига айланди. 1997-1998 ўқув йилида республика Халқ таълими ва Адлия вазирликлари, ёшлар «Камолот» жамғармаси, Республика телерадиокомпанияси биргаликда бошлаган иш хайрли кечмоқда. Хусусан, Қўрғонтепада ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда бундай баҳсларнинг аҳамияти катта бўлди. Ўзига хос мусобақада 8-мактаб ўқувчилар жамоаси билан иқтидорли ўқувчилар ўзаро беллашдилар. Иқтидорли ёшлар ғалаба қозониб, мукофотли ўринни эгаллашди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ҚИЙШИҚ

Бугунги кунда мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги ҳар бир мамлакат ўз хусусиятлари ва ривожланиш йўлига асосланиб жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга интилмоқда. Вақт ва тарих «қизил империя» ўрнида пайдо бўлган янги давлатлар мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга хизмат қиляпти. Йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, энди тарих ғилдирагини тўхтатиб ҳам, орқага қайтариб ҳам бўлмайди.

Бироқ бугунги Россия ҳаётига назар солсангиз, кечаги ўтмишни қўмсаб, ҳанузгача янгича ҳаётга кўника олмаётган ёки кўникишни истамаётганлар ҳам талайгина эканлиги кўзга ташланади. Кейинги вақтда ушбу мамлакат матбуоти саҳифаларида ва телевидениеси минбаридан бундай эскича қарашдаги кишиларга жой берилаётганлигининг замирида ҳам узоқни кўзланган мақсад борлиги сезилиб турибди. Гап шундаки, муайян гуруҳларга мансуб айрим сиёсатчилар, партиялар «раҳнамолари», журналистлар, МДҲ мамлакатлари институти деб аталувчи марказ экспертларининг гоҳ Россиянинг янги мустақил давлатлар билан ўзаро муносабатлари ҳақида, гоҳ МДҲнинг яқин истиқболи тўғрисида билдираётган мулоҳазалари мазмунида аниқ бир мақсад, яъни собиқ империяни қайта тиклаш, «катта оға»ликка даъвогарлик, дунёни яна «икки қутб»га бўлиш ва охир-оқибат «бузилмас иттифоқ» ҳақидаги қуйни қайта чалиш истаги жўш уриб турганлиги, гарчанд улар буни ҳар қанча инкор этишга уринмасинлар, аён бўлиб қолмоқда.

Очиғи, империяпараст кучлар суянчиғи бўлган собиқ КПСС ҳокимияти чилпарчин бўлгач, буюк давлатчилик шовинизми ҳам ўтмишда қоладигандек бўлиб кўринган эди. Аммо бугунги ҳаёт бу — нари борганида ажиб бир хомхаёл эканлигини кўрсатмоқда. Тўғри, умуман олганда Россия давлати раҳбарияти-демократик жамият тарафдорлари МДҲда ҳуқуқий тенглик зарурлигини, «собиқ иттифоқни қайта тиклаш фожиага айланиб кетишини» таъкидлашмоқда. Лекин бугунги кунда Ельциннинг демократик Россиясидан ташқари Зюгановлар, Анпиловлар, Макашовлар Россияси ҳам борки, улар учун юз берган тарихий ҳақиқатга — ўз келажагини мустақил белгилаётган суверен давлатлар пайдо бўлганига ишониб кўникиш, афтидан, жуда ҳам оғир кечмоқда.

Бу ерда гап, биринчи навбатда, Россиянинг жўғрофий-сиёсий манфаатлари ҳақида кетмоқда. Агар эътибор берсангиз, кейинги йиллар жараёнлари шуни кўрсатдики, илгари дунё ҳамжамиятида улкан сиёсий нуфузга эга бўлган, «СССР» номи остидаги Россия бугун жуда кўплаб позициялар бўйича ўз мавқеини йўқотиб қўйди.

Америкалик таниқли сиёсатшунос олим Збигнев Бжезинскийнинг таъкидлашича, кечаги буюк Россия ҳозирга келиб учинчи даражали мамлакатлар сирасига кирувчи ва лекин ҳали ҳам сезиларли ядро салоҳиятига эга бўлган минтақавий давлатга айланиб қолган. Бу реал воқеликни эса айрим сиёсатдонлар тушунишни истамаяпти. Оддий одамлар бугунги ва эртанги кун ташвишлари билан яшаётган бир пайтда янги сиёсий элита ўтмишдаги афсонавий мақомни тиклаш пайида юрибди.

Буни тушуниш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Геосиёсий манфаатларни кўзлаш ҳар бир давлатга хос эканлиги ва Россия ҳам бундан мустасно эмаслигини эътироф этган ҳолда, ушбу мамлакатдаги янги маъмурлар буюк давлатчилик шиоридан ўзларининг бошқа мақсадларида ҳам фойдаланишаётгани сир эмас.

Биринчидан, бу ҳозирги пайтда мамлакатда юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳамда давлат мулкини йирик банк-молия олигархияси билан биргаликда тақсимлаб олиш борасидаги хуфиёна ишлардан ва охир-оқибат мамлакатдаги ҳақиқий аҳволдан аҳолини чалғитиб туришни кўзлаб қилинмоқда.

Шу ўринда бир мисол: Жаҳон банки маълумотларига қараганда, Ғарб мамлакатлари, халқаро молия муассасалари ва хусусий сармоядорлар томонидан Россияга кўрсатилаётган молиявий ёрдам ҳажми 130 миллиард доллардан ошиб кетган. Лекин муаммо шундаки, бу пулларнинг сезиларли қисмидан Рос-

1

Менда таклиф бор

ЛОТИН АЛИФБОСИ — БАРЧАГА

Маълумки, XXI асрни лотин алифбосига ўтиш билан бошламоқчимиз. Бу умумхалқ тадбирига ватандошларимиз яхши тайёргарлик кўришмоқда. Буни кўча-кўйларда, савдо дўконларидаги шиорлар, корхона ва ташкилот дарвозаларида пайдо бўлаётган битиклардан ҳам ҳис этишимиз мумкин. Демак, ҳамма бу янгиликка тайёргарлик кўраяпти.

Лекин янгиликнинг иккинчи томонига эътиборни қаратиш лозим. Маълумки, бизда Давлат тили билан биргаликда рус тилида сўзлашувчилар ҳам мавжуд. Шундай экан, ушбу тилда сўзлашаётган ва ёзишаётганлар ҳам лотин алифбосини ўрганиши керак эмасми? Демоқчиманки, рус тилидаги ёзувлар ҳам мамлакатимиз миқёсида лотин алифбосида амалга оширилса, нур устига нур бўларди.

Негаки, лотин ҳарфлари яқин келгусида Ўзбекистон Республикасида ягона ёзув алифбоси бўлиб қолади. Ана шунда ўзбек тилини ўрганишга интилаётган рус ва бошқа тилда сўзлашиб келган юртдошларимизга асло қийинчилик туғилмайди. Ҳозирдан улар ўз сўзларини лотин алифбосида ёзишга ўргансалар, келгусида ҳеч қанақа қийинчилик вужудга келмайди.

Маъмуржон ҚИЁМОВ.

Хатлар, хатлар, хатлар

ЧОЙ ҚАДОҚЛАЁТГАН ҚАЛЛОБЛАР

Тошкент дўконларида анчадан бери кўк чой, айниқса, 95-навлиси кўринмай қолган эди. Пайдо бўлибди. Шайхонтоҳур туман ички ишлар бўлими дарвозасининг қаршисидаги озиқ-овқат маҳсулотлари дўконидан 50 граммдан қилиб қадоқланган 75 рақамли иккинчи навли кўк чойни 20 сўмдан, 100 граммлик қилиб қадоқланган 95-рақамли биринчи навли кўк чойни 40 сўмдан олдим. Уйга олиб келиб очиб қарасам, иккала навнинг ҳам фарқи йўқ, 100 граммлиси эса 50 грамм чиқди. Бошқа дўконларга ҳам бордим, баъзи дўконларда 45 сўмдан сотишаяпти, тарозига қўйиб кўрдик: қоғоз қутида 100 грамм деб ёзилган ўрамларнинг ҳаммаси ҳам 50 граммдан экан.

Н. ТУРМУҲАММЕДОВ.

Менда таклиф бор

ИБН СИНО ТИМСОЛИ ҚЎЙИЛСА

Бир кун дарс жараёнида домламиз ҳаяжонланиб гапириб қолди: «Бизда ҳамма касалхона, дорихоналарни илон «босиб» кетган. Хорижда эса бошқача манзарани кузатдим. Ларда илоннинг идишга заҳар солаётган рамзи ўрнига Ибн Синонинг тимсоли қўйилган».

Дарвоқе, ўша хориждаги рамз бизникидан кўра муҳимроқ ва маънодор эмасми? Табобатда кўпгина дорилар таркибида илон заҳри борлиги, унинг нечоғли фойдали эканлиги маълум. Зеро, инсоннинг ноёб ақл салоҳияти ила илон заҳридан-да фойдалироқ дори-дармонлар ҳам кашф этилган. Менинг таклифим шуки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги мутасаддилар мана шу рамзлар ҳақида ҳам бир ўйлаб кўришса, табиатан одам этини жунжиктирувчи совуқ илон рамзидан қутилган бўлармидик.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ.

—БОШ МЕЗОН

ликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган халқаро конвенциялар ва шартномаларга қўшилиш шарафига муяссар бўлди. Ушбу халқаро ҳужжатларнинг моҳиятини махсус матбуот материаллари, телекўрсатув, радиоэшиттиришлар ташкил этиш, суҳбат, маъруза, семинар шаклида тушунтириш ишлари олиб бориш орқали ҳар бир оила аъзолари онгига сингдириш, халқаро нормаларини билиш ва унга амал қилишнинг гаровидир.

Оила йилининг муҳим хусусиятларидан бири оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, оила аъзоларининг интеллектуал салоҳиятини кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир. Чунки, аҳолининг муҳтож табақаси яъни, кам таъминланган, болали оилалар, беморлар, қаровчисиз қолган кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, уруш ва меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳукуматимиз олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсатнинг инъикосидир.

Жойлардаги касаба уюшмалари, корхона ва ташкилотлар раҳбарияти ҳамкорликда хотин-қизлар, ёшлар, кексалар, меҳнат ва уруш фахрийларини соғломлаштириш шаҳобчалари, санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйларида сифатли даволаниш ҳамда уларнинг мароқли ҳордиқ чиқазишларини уюштириш, турар жойларда спорт майдончалари, комплекслари барпо этиш ва у ерда турли-туман спорт мусобақалари, дўстлик учрашувлари, уйинлар ўтказиш соғлом оила, соғлом жамият барпо этиш негизидир.

Мамлакатимизда мавжуд 4 миллионга яқин оилаларнинг аксарияти — аҳолининг 60 фоизи қишлоқда истиқомат қилади. Юртбошимизнинг Олий Мажлис X сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ аҳолисига, оилаларга маиший ва маданий турмуш шароити яратиш, қишлоққа саноатни, маиший хизмат шаҳобчаларини олиб кириш, замонавий мактаб, касалхона, поликлиникалар барпо этиш ва уларни фойдаланишга топшириш, аҳолининг шу жумладан қишлоқ аҳолисининг ишсиз қатлами учун янги иш ўринлари яратиш, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш — оила фаровонлиги, унинг иқтисодий манфаатларини юксак савияга кўтариш учун замин ҳисобланади.

Оилада кичик оилавий бизнесни йўлга қўйиш, оилавий корхоналар, оила пудратини ташкил этиш, деҳқон-фермерлик фаолиятини кучайтириш оилада тўкинлик ва фаровонликни таъминлайди. Ҳар томонлама бадастур оилада эса жисмонан ва маънан соғлом, тадбиркор, ишбилармон, меҳнатсевар шахс шаклланади ва вояга етади.

3

Миллат пойдевори

Маънавий етук оила — маънавий юксак жамият таянчидир. Оила урф-одатлари, шажараси, анъаналари, ахлоқий-маънавий қадриятларни фарзандлар онгига сингдириш, ҳар бир ёшни миллий касб-ҳунар малакалари билан қуроллантириш маънавий баркамолликни тарбиялашнинг асосидир. Жойлардаги хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллар кенгашлари олдида турган муҳим вазифалардан бири оила қадриятларига бағишланган суҳбатлар, конференция, мунозара, учрашувлар, оилавий байрамлар, китобхонликлар, санъат асарлари кўргазмалари, қўшиқ ва рақслар кўрик танловлари ўтказиш, оилавий фольклор этнографик ансамбллар ташкил этиш, тарихий жойларга саёҳатлар уюштиришдан иборатдир.

Оила — тарбия ўчоғидир. Демак, оилада маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш масаласи оила йилида амалга ошириладиган муҳим йўналишлардан биридир.

Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ҳам оила иштирокисиз амалга ошириш мумкин эмас. Шу туфайли ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида ота-оналар университетлари ишини тиклаш ва такомиллаштириш лозим. Унинг замирида, ёшларга тиббий, педагогик-психологик билим беришга эътиборни кучайтириш, олий ва ўрта махсус таълим тизимига «Оилавий ҳаётга тайёрлаш» курсини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ватан — остонадан бошланади. Демак, у оила остонасидан бошланади. Ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий ўзликни англаш каби олий қадриятлар ҳам айнан оилада шакллантирилмоғи зарур.

Демак, Оила йилида оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишини таъминлаш республикамизнинг барча фуқароларидан фаоллик талаб қиладиган маъсулиятли ишдир.

Ойниса МУСУРМОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибияти мудири.

4

ВАРШАВА КЎРИНИШИ.

ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ — ВЕЛОСИПЕДДА

Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳат қилиш тобора оммавийлашиб бормоқда. Ушбу йўналиш бўйича қатор автопойгалар бўлиб ўтди. Инглиз сайёҳи эса бу масофани ўзининг мотоциклида босиб ўтишга муваффақ бўлган эди. Лекин ҳали ҳеч ким бундай саёҳатни велосипедда амалга оширгани йўқ.

Мана икки йилдирки, франциялик Кристофер Рейнал ўзининг эски велосипедида ушбу йўналишда ҳаракатланмоқда. У бутун Европа, Кичик Осиёни айланиб, яқинда меҳмондўст Ўзбекистонга етиб келди. Сафар чоғи ўсиб кетган соч-соқолини Урганчдаги сартарошхонада олдирди.

32 ёшли дизайнер нимага айнан шу йўналишни танлаганини жуда оддий изоҳлайди.

— Мен Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарлари ҳақида кўп эшитганман ва ўқиганман. Лекин юз бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал дейишган. Велосипед билан саёҳат қилиш атрофни кузатишга, одамлар билан учрашишга имкон беради. Бундан ташқари соғлиққа ҳам катта фойдаси бор.

Лекин бундай саёҳатнинг азоб-уқубатлари ҳам бор. Ҳозир Хоразм вилоятида анчагина совуқ, шамол эсаяпти. Ҳатто қалин ёққан қор ҳам сафарни тўхтатишга сабаб бўла олмади. Шу кунларда Кристофер Рейнал ўзининг сайёҳатини мамлакатимизнинг бепоён кенгликларида давом эттирмоқда. Ўзбекистондан сўнг Қирғизистон, Хитой, Покистон, Ҳиндистон ва Таиландга йўл олади. Кристофер ўзининг ушбу саёҳатини 2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида ниҳоясига етказишни мўлжалламоқда ва у бу ерда очиладиган навбатдаги Олимпиада ўйинларининг меҳмони бўлади.

Ҳурмат БОБОЖОНОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.

МУЗОКАРАЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Тайвандан олинган маълумотга қараганда, Хитой ва Тайван ўртасидаги сиёсий музокаралар жорий йилнинг март ойида бошланиши мумкин. Ушбу учрашувни 5 март куни бўладиган Умумхитой йиғининг навбатдаги сессияси олдидан ўтказиш режалаштирилган.

Маълумки, январь ойи сўнггида Хитой ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь ушбу сиёсий музокаралар икки томон учун ҳам ягона Хитойни эътироф этган ҳолда ўтказилиши кераклигини таъкидлаган эди. Тайван бу шартга кўнмаган. Шундай бўлса-да, Тайбэйдаги раҳбарият музокараларни бошлашга кескин қаршилик кўрсатмаётир.

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Яман ҳукумати Ироққа нисбатан ҳарбий жазо чоралари қўлланилишига қарши эканлигини маълум қилди.

Мамлакат Президенти Али Абдулла Солиҳ Миср Президенти Ҳусни Муборак билан телефон орқали сўзлашиб, Араб давлатлари ушбу можарони тезроқ бартараф этиш учун дипломатик алоқаларни кучайтириши кераклигини айтди.

ХАВФСИЗЛИК НАМОЙИШИ

Марказий кўргазмалар залининг «Манеж» саройида «Хавфсизлик технологияси — 98» халқаро кўргазмаси очилди. Унда саккиз мамлакатдан ташриф буюрган 163 та компания ўзининг хавфсизлик ва қўриқлаш техникасини намойиш қилмоқда.

Кўргазма доирасида «Банк хавфсизлиги», «Хавфсизлик техникаси воситалари», «Таҳлилий ахборот хавфсизлигини таъминлаш» ҳамда «Маданий ёдгорликлар хавфсизлиги» мавзулари бўйича амалий машғулотлар ҳам ўтказилади.

Қарғалар учса қарайлик...

«ДС-9» ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Филиппин ҳаво йўлларига тегишли «ДС-9» русумли самолёт душанба куни номаълум сабабларга кўра мамлакат жанубидаги Кагаф-да-Оро шаҳарчаси яқинида ҳалокатга учраган эди. Самолётда 99 нафар йўловчи ҳамда беш нафар экипаж аъзоси бўлган.

Мамлакат полиция маҳкамасининг хабар беришича, 15 нафар йўловчининг ҳаёти сақлаб қолинди. Айни пайтда 30 кишининг жасади топилган. Қутқарув ишлари давом этмоқда.

ОМБОРХОНАДАН ТОПИЛГАН «ТОПИЛДИҚ»

Словакия божхона хизмати мамлакат ғарбида жойлашган Нитра шаҳри яқинидаги омборхоналардан бирида 13 тонна гиёҳванд модда — марихуана борлигини аниқлади. Баҳоси чайқов бозорида 70 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бу оғудан 25 миллион дона сигарет тайёрлаш мумкин.

Текширишлардан маълум бўлишича, ушбу гиёҳванд модда Словакия ҳудудига беш йил давомида пешма-пеш олиб келинган. Марихуанани фош этиш вақтида мазкур жиноят билан бевосита боғлиқ бўлган тўрт киши ҳибсга олинди. Уларнинг айтишича, гиёҳванд моддалар Шарқий Европа мамлакатларида сотиш учун тайёрланган.

АРАВА ЙЎЛ БУЗАР

сия маъмурлари шахсий манфаатни кўзлаб фойдаланганлар. Россия иқтисодиётига сарфланиши лозим бўлган 65-70 миллиард доллар маблағ Ғарбнинг ўзига сармоя сифатида қайтарилган. Бунинг эвазига кимлардир йирик миқдорда устама ҳақ олган экан. Бу далилларни таниқли иқтисодчи, Россиядаги «Яблоко» жамоатчилик ҳаракатининг раҳбари Григорий Явлинский матбуот чиқишида келтирган эди.

Иккинчидан, айрим империяпараст маъмурлар эрта-индин сайлов олдидан зарур бўладиган сиёсий капитал тўплашни ҳам асосий мақсад қилиб қўйишган.

Мисол учун, яқинда «Независимая газета»си «Содружество НГ» деган илова чиқарди. Ушбу илованинг 1997 йил декабрь ойидаги биринчи сонида «МДҲ Кишинёвдан сўнг» сарлавҳали катта мақола босилиб чиқди. Уни биз юқорида тилга олган МДҲ мамлакатлари институти раҳбари Константин Затулин ва сиёсатшунос Андраник Миграняннлар ғўё маъруза сифатида тайёрлашган. Ушбу мақола Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг Кишинёвдаги учрашуви якунларига бағишланган бўлса-да, унинг замирида юз берган жараёнлар таҳлили эмас, балки бу жараёнда Россия қандай геостратегик имкониятларни қўлдан бой берганлиги алам билан ёзилади. Муаллифлар советлардан кейинги маконда ташкил топган суверен давлатлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб мустақил сиёсатни амалга ошираётганликлари ва жаҳон ҳамжамияти билан мустаҳкам интеграциялашиб бораётганликларини асабийлик ила қарши оладилар.

«Иккилар иттифоқи», «Тўртлар шартномаси»нинг иш бермаётганлиги, Россия-Украина муносабатлари ўртасидаги муаммолар, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий интеграцияси кучайиб бораётганлиги, Транс-Осиё ва Транс-Кавказ нефть қувурининг Россияни четлаб ўтиб қурилаётганлиги, Каспий ҳавзасидаги энергия манбаларидан фойдаланишда янги мустақил давлатларнинг «катта оға» билан ҳисоблашмай фаол саъй-ҳаракат қилаётганлиги — буларнинг барчаси «МДҲ экспертлари»ни жуда қаттиқ ташвишга солади.

Мақолада Марказий Осий республикалари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳақида ҳам «Советлардан кейинги Осиё: Россиядан узоқлашиш суръати тезлашмоқда» кичик сарлавҳаси остида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Муаллифлар «Бизнинг мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги геосиёсий таъсир майдони кўз ўнгимизда кичрайиб бормоқда», «иқтисодиётда эса биз ушбу минтақани Ғарб ва Жануб мамлакатлари фойдасига (ҳатто «россияпараст» Тожикистонда ҳам) йўқотиб қўяяпмиз», дея афсуснадомат чекишади.

Мазкур «экспертлар» собиқ СССРдаги технологик занжир узилиб қолганлиги туфайли юзага келган тангликдан янги Осиё давлатлари секин-аста чиқиб олаётганлигидан, улкан минерал хом ашё ресурсларини Россияни четлаб ўтиб (аниқроғи, унинг зиёнига) экспорт қилиш кўрсаткичлари йилдан-йилга ўсиб бораётганлигидан ҳам ҳафсалалари пир бўлганлигини ошкора айтишган. «Россия билан алоқалари «узилган» Тошкент ўзининг иқтисодий ва ҳарбий қудратини тўхтовсиз оширмоқда», дейди улар асабий оҳангда. «Россияни четлаб ўтувчи транспорт ва хом ашё экспорт йўллари ҳақидаги лойиҳалар амалиётга кетма-кет жорий қилинмоқда. Ўзбекистон — Қозоғистон — Озарбойжон — Грузия — Украина йўналишидаги Евроосиё коммуникация тармоғи Россияни бир чеккага суриб қўйиб барпо этиляпти».

Муаллифларнинг таъкидлашларича, таркиб топган бу ҳолатни ҳали ҳам Россия фойдасига ўзгартиришнинг «реал имкониятлари» бор эмиш. «Тўғри, ҳар бир ўтган ойдан кейин бу имкониятлар янада камаймоқда», дея таассуф билан ёзишади «экспертлар». «—Ҳозир советлардан кейинги Марказий Осиё республикаларининг Россия Федерациясига нисбатан муносабатларини тубдан ўзгартириш учун, бизнинг фикримизча, фақат зўрлик ва куч ишлатишгина ёрдам беради».

Шу мақсадларда таъсир кўрсатишнинг хилма-хил усуллари, жумладан, ички зиддиятлардан фойдаланиш тавсия этилади. «Айрим йўналишлар бўйича Россия Федерацияси кучларни муштараклаштирса, улар (яъни Марказий Осиё республикалари — А. Б.) «Россия билан ё дўстлашиш, ё умуман яшамаслик»дан бирини тез орада танлашга мажбур бўлишади». Албатта, бундай таҳдидлар айрим империяпараст жанобларнинг кибр-ҳавоси чегараси йўқлигини, уларда ўтмишни қўмсаш, буюк давлатчилик тафаккури нақадар кучлилигини яққол кўрсатади.

Энди бошқа бир тоифадаги кишилар ҳам борки, улар, биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, буюк давлатчилик шовинимиздан, эски иттифоқни қайта тиклаш шиоридан асосан сиёсий капитал тўплаш мақсадида фойдаланишади. Бундайларни «обрўпараслик хуружи»га йўлиққан сиёсатдонлар, десак тўғри бўлур эди. Чунки улар бу мавзуни ҳар доим ҳам «байроқ» қилиб олмайдилар, вақти-вақти билан, обрўталаб бўлиб қолганда ёки шусиз ҳам тушиб бораётган «сиёсий рейтинги»ни кўтариш зарур бўлганда кечаги «ягона ва аҳил халқлар ойласи» ҳақида «қайғуриб» қоладилар.

Сизу бизга васвасали қилмишлари билан таниш, ҳозирда Россия Давлат думаси депутати бўлган Тельман Гдлянни шулар сирасига киритиш мумкин. Бу жаноб бугунги кунда Россия ва Белорусь «иттифоқи»га Арманистонни ҳам қўшиб олиш ташвишида юрибди. «Куранти» газетасининг 1997 йил 29-сонида чоп этилган суҳбатда Т. Гдлян Ереванда тузилган «Россия—Белорусь—Арманистон арман халқ ҳаракати» ташкилий қўмитасига қўмаклашаётганлигини айтиб мақтанади. Бу ташкилий қўмита юқоридаги масала бўйича референдум ўтказиш ниятида бир миллион имзо йиғиш билан банд эмиш. Шу ўринда савол туғилади: Арманистон Конституциясига мувофиқ «қуйи»нинг ташаббуси билан умумий референдум ўтказиш мумкин эмаслигини, халқаро қоидаларга кўра ўзга давлат фуқаролари бошқа мамлакат ички ишларига аралашиши ноқонунийлигини наҳотки «машҳур ҳуқуқшунос» билмаса?

Гдляннинг фикрича, «Иккилар иттифоқи» низомида ёзилган «ҳар бир мамлакат иттифоқ раҳбариятини 12 ой олдин огоҳ этиб, ундан чиқиши мумкинлиги тўйрисидаги» қоида нотўғри эмиш. «Арманистоннинг бу иттифоққа кириш масаласи ҳал бўладиган кўринса, низом шаклини ўзгартириб, иттифоққа кириш ёки чиқишни бу иттифоқ доирасида фақат умумхалқ референдуми орқали ҳал қилинишини ёқлаб чиқаман», дейди у.

Яқинда Тельман Гдлян Россия жамоатчилик телевидениесининг «Утро» дастурида яна шу эски мазмундаги даъвоси билан чиқди. Гўё ҳозирги қийинчиликларнинг сабаби «собиқ Иттифоқ»нинг парчаланиб кетиши билан боғлиқ эмиш. Қарангки, «бузилмас иттифоқ»ни қайта тиклаш ҳозирги муаммоларни тез ва самарали ҳал қилиш имконини берар эмиш.

Бу фикрлардан кўриниб турибдики, замона зайлига қараб эътиқодини тинимсиз ўзгартираётган собиқ терговчи бугунги кунда тамшаниб-тамшаниб ўз ўтмишини қўмсамоқда. Унга қўйиб берсангиз, эски иттифоқ тикланиб қолсаю, астағфирулло, яна ҳамтовоғи жаноб Иванов билан енг шимариб «белоруслар иши», «арманлар иши»ни бошлаб, Бутирка дейсизми, Лефортово дейсизми — қамоқхоналарни «маҳаллий коррупционерлар» билан тўлдириб ташласа. Мана, мени кўриб қўйинглар кимман, дея кўкрагига уриб Давлат думасида айюҳаннос солса.

Гапнинг сирасини айтганда, Тельман Хоренович чучварани хом санаётганлигини, тарихни орқага қайтариб бўлмаслигини, чунки бугунги ҳур тафаккурли одамлар кечаги кун одамларидан бутунлай фарқ қилишини яхши билади. Унда асл мақсад нимада? Бу, биз юқорида таъкидлаганимиздек, «обрўпараслик хуружи»га қайта чалиниш, шусиз ҳам йўқолиб бораётган иззат-икромни эскича кайфиятдаги айрим одамлар эътиборини жалб қилиш эвазига қайтаришга интилиш. Лекин «ҳолва» деган билан оғиз чучирмиди? Бунинг устига Гдляннинг асл «қиёфаси» кўпчиликка маълум бўлса. У ва унинг ҳамтовоқлари бугун «қайта қурувчилар» замони ўтиб кетганлигини, афтидан, тушуниб етишмаяпти чоғи.

Гдляннинг «ғоявий салафдошлари» Россия Давлат думасида ҳам талайгина топилади. Бундай дейишимизнинг боиси бор. Яқинда Давлат думасида Россия Федерацияси давлат рамзлари ҳақидаги масала кун тартибига қўйилганда (гап шундаки, ушбу мамлакатда 1991 йилдан бошлаб то шу кунга қадар ҳанузгача давлат рамзлари қабул қилинмаган) собиқ империя тарафдорлари яна бош кўтариб қолдилар. Улар эски қизил байроқни, «ўроқ ва болға»ли гербни, «бузилмас иттифоқ»ни мадҳ этувчи эски мадҳияни қайта тиклаб, Россия давлат рамзлари сифатида қабул қилишни ёқлаб чиқдилар. Фақат «Россия — бизнинг уйимиз» жамоатчилик ҳаракатининг думадаги вакиллари қатъияти туфайлигина коммунистлар ва империяпараст кучлар бу ниятларига етолмадилар.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Яхшиямки, Гдлян ва унинг империяпараст «сафдошлари»нинг боши бир қозонда қайнамайди. Чунки уларнинг ҳар бири «ўзига хос» сиёсатчи сифатида танилишни хуш кўришади. Шу боис «ўта зарурият» туғилгандагина у ёки бу «ташаббус» билан чиқишади.

Мисол тариқасида депутат Николай Гончар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Россия сиёсий ҳаётидан хабардор бўлган одамлар Николай Николаевичнинг Россия ва Белорусни бирлаштириш бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги таклифини яхши эслашади. Жаноб Гончар бу «ташаббус» билан Москва шаҳар думасига сайловлар арафасида чиқиб, кўпчилик ҳамшаҳарлари эътиборини қозонишга ҳаракат қилган, шу мақсадда ўзининг номида сайлов блоки ҳам тузган эди.

Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, бу сиёсатдон шу йўл билан Москва шаҳар думаси раислиги лавозимини кўзлаган экан. Бироқ ўтган йил декабрь ойида пойтахт думасига бўлиб ўтган сайловларда «Гончар блоки» қақшатқич мағлубиятга учради, унинг ўзи ҳам энг кам овоз олиб, шаҳар думасига сайланмасдан қолди.

Бинобарин, Россия жамоатчилигининг катта қисми бугунги баъзи сиёсатдонларнинг кибр-ҳавога асосланган империяпарастлик даъволарига эмас, балки реал воқеликка, секинлик билан бўлса-да таркиб топаётган демократик андозаларга ишонч билан қарамоқдалар.

«Қийшиқ арава йўл бузар» деганларидек, Россиядаги айрим сиёсатчилар эски даъволар билан ушбу мамлакатнинг демократик йўлдан боришига тўсқинлик қиляптилар. Империяча ўтмиш ва буюк давлатчилик тафаккури бунга йўл қўймаяпти. Тўғри, у ёки бу давлатнинг бирор бир масала бўйича расмий қарашларини, халқаро дипломатик қоидаларга кўра, шу давлат бошлиғи, бош вазири ёки ташқи ишлар вазири билдиради. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, Россия Президенти Борис Ельциннинг Кишинёв саммитида «Биз МДҲ давлатларининг кучли бўлишидан манфаатдормиз», деб айтган фикри эътиборга лойиқ.

Зотан, МДҲ истиқболи ҳуқуқий тенглик ва ўзаро ҳурматга боғлиқдир. Янги Россия сиёсий элитаси мустақил давлатлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш учун тенг шериклик асосида муносабатлар ўрнатиш лозимлигини англаб етса, «катта оға»лик даъвоси ва империяпарастлик тафаккуридан воз кечса, ушбу мамлакатга нисбатан МДҲ давлатларининг ишончи ортган, иқтисодий интеграция жараёнлари ривожланган бўларди. Аслида бугунги реал воқеликнинг ўзи ҳам шуни тақозо этмоқда.

Аслиддин БОЛИЕВ.

2 3 4

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 5 fevral, payshanba № 15 (22.252).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

МАЪНАВИЯТ ТАЛҚИНИ

Китоб — содиқ дўст

Ҳозиргача маънавият масалаларига оид илмий, публицистик, ўқув ва услубий анчагина ишлар эълон қилинди. Муаллифлар ичида файласуф академиклардан тортиб таниқли олимлар, кўзга кўринган бадиий сўз ижодкорлари, журналистларгача бордир. Лекин нашр этилган ишларда маънавият масалаларига комплекс, кенг қамровли ёндошиш етишмаётган эди. Бу вазифани ҳал этиш бўйича «Маънавият—миллат нишони» монографиясининг муаллифи Абдураҳим Эркаев жиддий тадқиқотчилик ишини бажарган. Унинг тадқиқотини босиб чиқариш билан янги ташкил қилинган «Маънавият» нашриёти ўз ишини бошлади.

Муаллиф «маънавият нима?» деган саволга жавоб берар экан, мавжуд адабиётлардаги ёндошувларни беш турга ажратади ва турли жиҳатлардан таҳлил қилади, ҳамда унинг таркибини қуйидагича аниқлайди: «... Маънавият инсоний фазилатлар билан бирга; «маънавий маданият» деб аталмиш дунёвий илм-фан, фалсафа, ахлоқ, ҳуқуқ, адабиёт ва санъат, халқ таълими, оммавий ахборот воситалари, урф-одатлар, анъаналар ҳамда дин ва диний амалиёт, ибодат, тақво, диний маросимлар, диний адабиёт, диний санъат каби бошқа

1

кўплаб тарихий ва замонавий қадриятларни ҳам қамраб олади» (28-бет). Кўриниб турибдики, онг тўлалигича маънавиятга кирмайди. Негаки, унда моҳияти мўътадил ҳолатлардан ташқари ўткинчи кайфиятлар, эҳтиролар ва ҳоказолар мавжуддир. Онгнинг маънавият қисми — бу унинг собит эътиқоди ижобий қимматдорлик касб этадиган хатти-ҳаракатлари инсоннинг ўзига ва ташқи оламга муносабатларини ифодалайдиган дунёқарашидир.

Маънавиятнинг моҳиятини тўлароқ очиб бериш учун «маънавий муҳит» тушунчаси мазмунига махсус тўхталган. Хусусан, маънавий муҳит жамиятнинг ҳиссий, ақлий ва жисмоний камолотда эришган ўртача савияси асосида вужудга келган талаблари ва уларнинг амалга ошиш тарзида изоҳланади.

Китобда ўзбек халқ маънавиятига таъсир кўрсатган табиий-тарихий омиллар тўғрисида батафсил тўхталган. Дастлаб моддий-иқтисодий омиллар табиий-иқлим шароитлари билан боғлиқ ишлаб чиқариш хусусиятлари таҳлил этилади. Бунда суғорма деҳқончиликка асосланган ҳаёт тарзига эга бўлган халқларда илк даврлардан бошлабоқ тупроқ (зардуштийликда) ва сувга (Миср, Ҳиндистон) эътиқод кучли бўлганлиги айтилиб, буларнинг ўзбек халқи қадимги аждодлари маънавиятига кўрсатган таъсири очиб берилади. Ушбу таъсир нафақат алоҳида олинганда, балки, маънавиятнинг барча таркибий қисмларида ўзининг белгиловчи изларини қолдирган.

Китобнинг IV—VI бобларида мустақиллик ва дунёқараш, маданий меросга муҳаббат ҳамда маънавий эҳтиёжларини юксалтириш мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартлари сифатида теран, фалсафий, умумлашмалар чиқаришга интилиб тадқиқ этилган.

2

А. Эркаев долзарб мавзу — мустақиллик шароитларида маданий меросга муносабат масаласига жиддий эътибор берган. У етарли назарий асосланган позициядан келиб чиқиб, совет давлатида амалда бўлиб ва кўп салбий оқибатларга олиб келган маданий сиёсатнинг концептуал асосларининг жиддий танқидини берган. Бу сиёсатнинг илдизлари нималарга бориб тақалиши, шунингдек, мустақиллик шароитда маданий меросга муносабат қандай бўлиши лозимлиги ишонарли кўрсатилган.

Тадқиқотда қараб чиқилган масалаларнинг мантиқий якуни маънавий эҳтиёжларини юксалтириш мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири эканлигини ёритиш билан ўз ифодасини топган. Муаллиф ўз олдига қўйган масалалар ечимини лозим даражада топган. Илмий объективлик билан ёндошиш ва айни пайтда, замонавий чуқур фалсафий нуқтаи назарга (масалан, атоқли файласуф Э. Фромга) таяниб, анъанавий бўлган масалаларда, чунончи, рационализм ва иррационализм нисбати хусусида хийла янги фикрларни илгари сурган.

Маънавиятдаги мураккаб соҳани тадқиқ этиш нуқсонсиз бўлмайди. Ушбу китоб ҳам булардан ҳоли эмас. Даставвал кўзга ташланадиган қусур— баён қилишдаги илмийлик ва публицистлик нисбатидаги хийлагина номутаносибликдир. Мавзулардаги айрим қайтариқлар ҳамда анчагина учрайдиган стилистик камчиликлар шулар жумласидандир. Албатта, муаллиф монография мавзусига доир давом эттирадиган кейинги тадқиқотларида буларни осон бартараф этади, дейишга асослар етарли.

Анвархон АБДУСАМЕДОВ, профессор.
Иномжон РАҲИМОВ, профессор.
Шодмонқул АЗИЗОВ, доцент.

3

ОҚ БАЙРОҚ ОСТИДА

Спорт

Яна бир кундан кейин навбатдаги қишки олимпиада ўйинлари байроғи кўтарилади. Қадимий Грециянинг Олимп қишлоғидан келтирилган олов ёрдамида олимпиада машъаласи ёқилади. Икки ҳафта мобайнида ана шу машъаладек ловиллаган йигит-қизлар қизғин ва муросасиз баҳсларда ғолиблик супасини кўзлаб маҳорат кўрсатадилар. Улар жаҳоннинг 74 мамлакатидан келишган. Спортнинг 14 тури бўйича мусобақалар уюштирилади. Бир сўз билан айтганда Японияннинг Нагано қишлоғида туташ бешта халқа рамзи туширилган оқ байроқ ҳилпираб туради.

Бу мусобақада Ўзбекистон спортчилари ҳам иштирок этадилар. Улар спортнинг фристайл — чанғи акробатикаси, тоғчанғи, фигурали учиш бўйича мусобақаларда қатнашадилар. Умуман юртимизда спортнинг қишки турларини ривожлантиришга имкониятлар етарли. Куз-қиш ойларида момиқ қор босган Чимёнда машқларга зўр бериш мумкин. Шунингдек, спортнинг қишки турлари бўйича республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирларнинг олимпиада ўринбосарлари мактабида ҳам иқтидорларни камол топтиришга замин яратилган. Бу ерда ҳозир 140 нафар ўғил-қиз шуғулланаётгани бежиз эмас. Мухлисларни Нагано олимпиадасида Ўзбекистон спорт шарафини кимлар ҳимоя қилиши қизиқтиради, албатта. Бир қанча халқаро мусобақаларда ўзини кўрсатган Татьяна Малинина билан Роман Скорняковларнинг муз устида нафис ҳаракатларига умид боғлаб турибмиз. Лиллехаммер олимпиадасида олтин медални қўлга киритган моҳир фристайлчи Лина Черязованинг шашти баланд. Гарчанд у халқаро мусобақада йиқилиб, соғлиғини мутлақ тикламаган бўлса-да мўъжиза кўрсатишга ошиқмоқда. Шунингдек, Чимён этакларида чанғи учиш ҳадисини олган Комил Ўримбоев ҳам ғайрат камарини маҳкам боғлаган. Ўйлаймизки, спортчиларимиз сафардан ёруғ юз билан қайтишга ҳаракат қиладилар.

ЧЕМПИОНЛАРНИ ЖАНУБГА ЧОРЛАБ

Маълумки, Москвада МДҲ чемпионлари ўртасида анъанавий равишда ўтказилган бу галги мусобақа ҳам қизиқарли бўлди. Гуруҳларга бўлинган 16 жамоа орасидан «Динамо» (К), «Динамо» (Тб), «Копетдоғ», «Динамо» (Мн), «Сконто», «Кяпаз», «Кареда» ва «Спартак» жамоаларининг саралангани бежиз эмас. Зеро, Туркманистоннинг «Копетдоғ» футболчиларини ярим финалга чиқишгани диққатга сазовордир. Албатта, финал учрашуви Киев динамочилари фойдасига ҳал бўлди. Улар спартакчилар дарвозасига жавобсиз тўп йўллаб, учинчи марта мусобақа ғолиби бўлишди. Қизиғи шундаки, ФИФА бош котиби З. Блаттернинг таъкидлашича, бу мусобақа келаси йили халқаро федерация тасарруфига ўтказилиб, Туркманистоннинг очиқ майдонларида уюштирилиши мумкин экан.

Ургутлик қўли гул кулол Нўъмон Облоқулов.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Бир қўшиқ тарихи

ҲАЗИНИЙ – МАРҒИЛОНДА...

Машҳур шоир Ҳазиний Марғилоннинг хушовоз ҳофизи бўлмиш Маъдали Раҳматуллаев овозасини эшитиб, шаҳарга ташриф буюрадилар. Ҳофиз меҳмонни ҳовлисига таклиф этади. Бир пиёла чой устида гурунг бошланади:

— Ҳофиз, сизга илиниб, бир қўшиқ ёзиб, йўқлаб келувдим.

— Бош устига, устоз, сиз қўшиқ ёзиб келасиз-у, биз йўқ дермидик.

— Мабодо, қўшиғимиз сизга ёқиб қолса, қуйга солиб, учирма қўшдек қанот боғлатиб юборсангиз.

Қўшиқ битилган қоғозни ҳофиз ўқиб чиқади-да, шундай дейди:

— Сиз, тақсир, хонадонимизни энг азиз ва табаррук меҳмонисиз, — «Яхши меҳмон ош устида» — дейдилар. Мен ўз қўлим билан бир чўқим ош дамлай, сўнг қўшиғингиз бир гап бўлар.

Қўшиқ ёзилган қоғозни ўзи билан бирга олиб, ҳофиз қозонга уриниб кетди.

Палов пишгунча, янги оҳанг — куй ҳам яралди. Палов танаввул қилиниб бўлингач, ҳофиз деворга осиғлиқ танбурни созлашга тушди. Янги куй, қўшиқ таралди. Ҳазиний ҳофиз қўшиғини эшитиб бўлгач, офаринлар айтиб шундай дедилар:

— Бекорга Қўқондан Марғилонга келмаган эканман. Қўшиқ учирма бўлипти. Иншоолло, қанот боғлаб атрофга таралишига имоним комил бўлди...

1912 йили Петербург шаҳридан меҳмонлар Фарғонага ташриф буюришади. Меҳмонлар ўзбек халқ қўшиқларини пластинкага ёзиб олгани келишган эди. Марғилондан Маъдали ҳофизни таклиф этишади. Ҳофиз уларга Ҳазинийнинг янги қўшиғини ижро этади. Лекин ҳофиз овози ниҳоятда баланд пардали эканидан, меҳмонларнинг овоз ёзиб олиш аппарати ишдан чиқади.

Энди нима қилиш керак? Охири йўлини топишади. Парда орқасидан унинг овозини аранг ёзиб оладилар. Ҳозирги кунгача бу пластинка ҳофизнинг ўғиллари бастакор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Мамасидиқ ҳожи ота бисотида сақланиб келинмоқда. Қўшиқ номи «Абдураҳмонбеги» деб аталади. Сабабини айтиб беришди. «Маъдалибеги» деб ёзишда меҳмонлар адашишиб, «Абдураҳмонбеги» деб ёзишган эканлар. Бу қўшиқ 85 йилдан бери оғиздан-оғизга кўчиб, ҳозиргача куйланиб келинмоқда.

Ҳамид УСМОНОВ,
Марғилон шаҳри.

ХАНДАЛАР

Математика дарсида:

— Олимжон, ўртоғинг сендан 50 сўм қарз олувди. Орадан бироз вақт ўтиб яна 50 сўм олди. Шунда у сенга қанча пул бериши керак.

— 150 сўм-да.

— Нега энди...

— Ахир у «процент»и билан тўлайди-да.

* * *

Беш ёшли Нигора:

— Ойижон, кинотеатрга борайлик. Яхши кино қўйилаётган экан.

— Қанақа кино экан, қизим?

— «Севгилимни излайман»...

* * *

— Бугун кўлга чўмилгани бормагин, ахир қорнинг оғрияпти-ку!

— Хафотирланманг ойижон, чалқанчасига сузаман.

* * *

Уч ёшли Сирожиддин кетаётиб бир аёлга урилиб кетди:

— Ий, чечияс...

* * *

Уйда ёлғиз қолган Камолжон зерикиб кетди. У уф тортиб, осмонга қараган эди, оймомани кўриб қолди ва деди:

— Вой худойим, мени ўйнатиб келинг, зейикиб кетдим.

ТИББИЁТЧИЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

ТОШКЕНТ. Шаҳар саломатлик марказида аҳолига кардиология хизматини янада яхшилашга бағишланган конференция ўтказилди. Йиғилганлар юрак хасталигининг олдини олиш, даволаш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш хусусида фикр юритишди. Йиғилишни шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи М. Зиёева бошқарди. Шаҳар бош кардиологи М. Темургалиева, кардиология илмий-тадқиқот институти директори А. Қурбонов маъруза қилишди. Олмониянинг дори-дармон бўйича «Мерк» фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонаси вакиллари эса юрак хасталикларида ишлатиладиган янги дори-дармонлар билан йиғилганларни таништирди.

Абдулла ХАЙРУЛЛАЕВ.

«ТОШКЕНТМЕБЕЛЬ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ





Ўзининг фирма дўкони орқали кенг турдаги мебель жиҳозлари:

— ётоқхона учун мебеллар тўплами;
— кўп мақсадда ишлатиладиган идиш-товоқлар жавони;
— юмшоқ мебеллар тўплами;
— офис мебеллари;
— кийим-кечак шкафлар;
— кроват, тўшак ва банкеткаларни

нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Жиҳозлар 10 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Магазин Мажзук кўчаси, 245-уй. 43-автобуснинг охирги бекати. Телефонлар: 48-68-89, 48-37-50.

«ЭНГ ИБРАТЛИ КЕЛИНЧАК»

БУХОРО. Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Экосан» жамғармалари вилоят бўлимлари ана шундай кўрик-танлов ўтказишга аҳд қилишди. Оила йили муносабати билан «Наврўз», «Экология ва саломатлик» кунларида уюштириладиган бундай танловдан мақсад азалий анъана, удум ва қадриятларимизни тиклаш, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини яхшилашдан иборат. Кўрик ғолиблари учун пул мукофотлари белгиланган.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти жамоаси институтнинг профессор-маслаҳатчиси, атоқли олим

Ҳомил ЁҚУБОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдиради.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс— 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Тўлқин ЭШБЕК, навбатчи Маъмуржон ҚИЁМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 34863 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0968

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА